

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ЭРОН ИСЛОМ
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА
БИТИМ ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА**

1993 йил 18 октябрь, Тошкент
(1996 йил 20 августдан кучга кирди)

Бундан буён «Аҳдлашувчи Томонлар» деб номланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати ўзаро ҳамкорлик асосида автомобиль, йўловчи ва юк ташиш транспорт алоқаларини ҳар иккала мамлакат ўртасида ва уларнинг худудидан транзит йўли билан ривожлантиришни истаб,
қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Мазкур Битим шартлари йўловчиларни ва юкларни халқаро автомобиль транспорти билан Аҳдлашувчи Томон худудидан иккинчи Аҳдлашувчи Томон худудига ёки транзит йўл билан Аҳдлашувчи Томон худуди орқали Аҳдлашилган Томон худудида рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари билан халқаро юк ташишга тегишлидир.

2-модда

1. «Ташувчи» атамаси доимий яшаш жойига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ёки Эрон Ислом Республикасининг ўз қонунлари ва қоидаларига кўра халқаро алоқалар бўйича юк ёки йўловчилар ташишига ижозат берилган корхоналар ёхуд фуқаролар бўлиб, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсни билдиради.

2. «Автотранспорт воситаси» атамаси қуйидагиларни билдиради:

юк ташиш учун — юк ташийдиган автомобиль, юк ташийдиган тиркамали автомобиль, автомобилни шатакка оладиган ёки ярим тиркамали автомобилни шатакка олувчи;

йўловчиларни ташиш автомобиль воситаси — автобус, яъни йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган, ҳайдовчи ўрнини, шунингдек йўловчиларнинг юкини ташиш учун тиркамани ҳисобга олмаган ҳолда камида 8 ўриндиқли жойи бўлган автотранспорт воситаси.

3. «Мунтазам равишда автобусли ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Томонларнинг автотранспорт воситалари билан олдиндан келишилган манзил йўналишини ва жадвал бўйича йўловчилар ташишни билдиради.

4. «Транзитли ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Томонларнинг худуди ташқарисидаги жойлардан жўнайдиган ва тегишли манзилга борадиган пассажирлар ҳамда юкларни бир Аҳдлашувчи Томоннинг худуди орқали ташишни билдиради.

3-модда

Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири давлат қонунларига мувофиқ равишда бир-бирларига йўловчи ва юк ташиш ташкилотларининг қароргоҳларини очиш ва ёки Аҳдлашувчи Томонларнинг олдиндан келишувчига кўра Аҳдлашувчи Томон худудида вакилларни ёхуд агентларини тайинлаш ҳуқуқини беради.

4-модда

Аҳдлашувчи Томонлар чиқиб кетиш ёки кириб келиш учун божхона солиқларини тўлашдан ҳамда бошқа Томон худудида ҳаракатланаётган автомобиль транспортига солиқ тўлашдан озод қилинади, бундан қуйидагилар мустасно:

а) йўлдан фойдалангани учун йиғим пули (пул тўлаб ўтиладиган йўллар ва кўприклар);

б) оғирликни, ўлчамларни, автомобиль воситасини юк кўтаришни Аҳдлашаётган Томонларнинг давлат қонунларида белгилаб қўйилган меъёрларига мувофиқ равишда ундаги юкнинг меъёридан ортиқлиги учун йиғимлар.

5-модда

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг юк ташувчиси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг худудида автомобиль билан юк ташишни маромлаштирувчи қонунларни, ҳаракат қоидаларини ва бошқа қоидаларни бузган ҳолда кейингисининг ваколатли ташкилотлари содир бўлган ҳодиса тўғрисида Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилишлари керак.

6-модда

Транспорт тўқнашувчи ёки бошқа йўл транспорт ҳодисалари рўй берган ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлар мазкур нохуш ҳодиса кимнинг худудида бўлган бўлса, рўй берган ҳодиса натижасини ва бошқа зарур маълумотларни бошқа Аҳдлашувчи Томонга маълум қилиши шарт.

7-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг юк ташувчиси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли ҳокимиятлари томонидан берилган бир йиллик рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда юкларни ва йўловчиларни мунтазам равишда ёки транзитли ташиб туриши керак.

8-модда

Аҳдлашувчи Томонлар худудидан юк ташиш ва транспорт воситаларининг транзити ҳеч қандай рухсатномасиз амалга оширилади.

9-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг юк ташувчиси мазкур Битимга асосан бошқа Томон худудида йўловчилар ва юкларни ташиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга эмас.

10-модда

Экология ва гигиена нормалари бўйича олиб келишга йўл қўйилмайдиган юкларни транзитли ташиш тақиқланади.

11-модда

Аҳдлашувчи Томонлар автотранспорт воситаларининг ҳеч бир тўсиқсиз ҳаракат қилишини ва йўловчи ҳамда юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган расмиятчиликларни осонлаштиришни таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўришлари керак.

12-модда

Мазкур Битимга асосан юк ва йўловчиларни ташишни амалга оширишда Аҳдлашувчи Томонлар худудига автомобиль воситаларининг ҳар моделида кўзда тутилган ҳажмда олиб кириладиган ёнилғи ва мойловчи моддалар божхона тўловлари ва божларни тўлашдан икки Томон ҳам озод қилинади.

13-модда

Автотранспорт воситаларининг фойдаланилмай қолган эҳтиёт қисмлари қайтиб олиб кетилиши лозим, алмаштирилган қисмлари эса мамлакатдан олиб чиқилиши, йўқ қилиниши ёки Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли божхона маъмуриятига топширилиши керак.

Эҳтиёт қисмларни олиб кириш Аҳдлашувчи Томонлар худудида амал қилинаётган қонунлар ва қоидаларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

14-модда

Аҳдлашувчи Томонлар орасида халқаро йўловчи ва/ёки юк ташиш ва ёки улар орқали транзит пайтида учинчи шахсга етказилган зарарни суғурта равишда қоплаш учун

Аҳдлашувчи Томонларнинг қоида ва қонунларига асосан аниқланган ҳолда амалга оширилади.

15-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юк ташувчилар ва автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида амал қилаётган йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Мазкур Битимда ҳал қилинмаган масалалар ҳар бир Аҳдлашувчи Томонларнинг ички қонунлари таъсири остида бўлади.

16-модда

Икки Аҳдлашувчи Томон вакилларида иборат қўшма комиссия тузилади, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

а) мазкур Битимга риоя қилиш;

б) мазкур Битимнинг 17-моддасида қайд қилинган ваколатли ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишга оид таклифлар киритиш;

в) мазкур Битимдан келиб чиқадиган мунозарали масалаларнинг ҳаммасини кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар киритиш;

г) транспортировка билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Қўшма комиссия Аҳдлашувчи Томонларнинг биронтаси тарафидан ёки Ўзбекистон Республикаси, ёки Эрон Ислом Республикасининг биринчи талаби биланок тўпланади.

Қўшма комиссияда муҳокама қилинадиган кун тартиби Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли ташкилотлари томонидан аввалдан дипломатик йўллар билан тайёрланган ва унинг асосий масалаларига мувофиқ бўлиши шарт.

Қўшма комиссия мазкур Битимнинг ҳар қайси моддасига тузатишлар киритишни таклиф қилиши ва уларни ваколатли ташкилотлар муҳокамасига олиб чиқиши мумкин.

17-модда

Мазкур Битимни бажариш учун жавобгар бўлган ваколатли ташкилотлар:

а) Ўзбекистон Республикаси — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги;

в) Эрон Ислом Республикаси — Транспорт ва йўл вазирлиги.

18-модда

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат қонунларига асосан тасдиқлаш ёрлиқлари билан алмашилган вақтдан бошлаб кучга киради ва 1 йил мобайнида ўз кучида туради.

Мазкур Битим, агар Аҳдлашувчи Томонларнинг бири тегишли муддат тугашидан 3 ой илгари ёзма равишда Битимни бекор қилиш истагини билдирмаса ўз-ўзидан 1 йил муддатга чўзилади.

Тошкент шаҳрида, 1993 йил 18 октябрда, хижрий йилномасининг 1372 йил 26 меҳрида, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, форс ва инглиз тилида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битимни талқин этишда келишмовчиликлар туғилса, инглиз тилидаги матн устуворлик қилади.

(имзолар)